

Ушбу пудрат шартномаси «**Буюртмачи**» деб аталувчи Анлижон Олтинкул туман халк таълими ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари Д.Ахмедов бир томондан ва «**Пудратчи**» деб аталувчи «**Андижон Бинокор таъмир**»МЧЖ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари Л.Гешабоев иккинчи томондан келишув асосида амалдаги кунларга мувофик тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «**Пудратчи**» мазкур шартнома шартларига мувофик «**Буюртмачи**»нинг Олтинкул туман халк таълими бўлими тасарруфидаги 12-умумий ўрта таълим мактаби биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим булган ишлар «**Буюртмачи**» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда) га асосан жорий нархларда 37 000 000 (уттиз етти миллион) сўмни ташкил этади. (15% ҚҚС билан)

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, факатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар уртасида имзоланиб, тегишли Газначилик бўлимида руйхатга олингандан сўнг 10 банк иш кунида «**Буюртмачи**» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизи яъни 11 100 000 (Ун бир миллион бир юз минг) сўмни, олдиндан аванс тариқасида «**Пудратчи**»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун туловларнинг қолган 70 фоизи, яъни 25 900 000 (Йигирма беш миллион туккиз юз минг) сўмини «**Пудратчи**» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 15 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5. «**Буюртмачи**» охириги туловни «**Пудратчи**» томонидан иш тулик бажариб топширилиб, қабул қилиш - топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 15 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун туловлар «**Буюртмачи**» томонидан пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.

2.7. Шартнома бўйича бажариладиган ишлар муддати аванс тулов пудратчи ҳисоб рақамига келиб тушган кундан бошлаб 30 кунни ташкил қилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУКУ К ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «**Пудратчи**»нинг мажбуриятлари Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «**Буюртмачи**»нинг далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофик, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари билан бажариш ҳамда «**Буюртмачи**» га мазкур шартнома шартларига мувофик топширади.

3.2. «**Пудратчи**»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ туланишини ва ишни бажариб топширилгандан сўнг тула ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни кабул килиб олиш асосиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни копланишини талаб килиш;

3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Тасдикданган смета буйича бажарилган ишларни кабул килиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давдат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тугриланиши харажатларини копланишини талаб килиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини кабул килиш комиссияси иштирокида лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда кабул килиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат килиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тулайди;

4.2. «Пудратчи» объектни уз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % микдорида пеня тулайди. Туланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқданган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан уз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» туловлар тухтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и микдорида «Пудратчи» жарима тулайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан уз вақтида ҳақ туланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 %и микдорида пеня тулайди. Туланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган туловларнинг 50 %и микдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Туланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни тулик ёки қисман бажармаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларни жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда куриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ, БЕКОР КИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг узаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор килиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома буйича юзага келиши мумкин булган низо ва келишмовчиликлар узаро муҳокама- йуллари билан хал этилади. Агар да узаро муҳокама йули билан хал этиш имкони булмаса Конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хужалик суди оркали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚДЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома имзоланиб, ҳудудий Ҳазначилик булимида руйхатга олинган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

« П У Д Р А Т Ч И »

« Б У Ю Р Т М А Ч И »



Дитмиқир тўмони ХТБ
Дитмиқир т. Марқоз. МФ. й.
ШХР: 100022860032027092100075054
МҲО: 00014 УИИ: 200254518
Мир банк Ша. шах. 5б. ХККМ.

Раҳбар:



Т. Тешабоев

Раҳбар:



Д. Ахмедов.